



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 3 январь, шанба

• №1 (11.596)

• Эркин нархада сотилади

АССАЛОМ, МЕХР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ!

Янги йилга қадам кўйдик. Бугун унинг руҳи, унинг олий мақсади билан яшамокдамиз. Бу руҳ, бу мақсад мамлакатимиз раҳбари томонидан аниқ-равшан белгилаб берилди. Ҳалқимизнинг азалий миллий фазилатлари – ўзаро меҳр-мурувват кўрсатиш Узбекистон бўйлаб янги кўлам билан намоён бўла бошлади.

Бугундан бошлаб кўлингиздаги «Тошкент ҳақиқати» газетаси тўқизмингга яқин хонадонга, ташкилот, хўжалик ва муассасага кириб боради. Биз – таҳририят аъзолари унинг ҳар бир сони вилоятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини, ислоҳотлар жараёнларини, эришилаётган натижаларни тобора тўла қамраб олиши, мавжуд муаммоларнинг бартараф этилишини тўлақони ёритиб бориш ниятидамиз. Азиз газетхон, «Тошкент ҳақиқати» Сизнинг ёрдамнингизда мазмунан бойиб бориши учун тинмай изланиш – асосий мақсадимиздир.

Биз Янги йилимизни Мехр ва мурувват йили деб атадик, бу йил ногиронларни, қаровчиси йўқ кексаларни, кам таъминланган оила фарзандларини, ёрдамга муҳтоҷларни моддий ва маънавий кўллаб-кувватларни, уларда ўзларини ҳалқимизнинг буюк мақсадларига даҳлдорлик туйғусини кучайтириш, бағрикенглик, саҳоватпешалик, меҳр-оқибатлилк фазилатларимизни яна бир бор намоён этишини ният қилдик.

Мана ўн учинчи йилки, янгиланаётган жамиятимиз, давлатимиз шу йўлда ҳаракат қилиб, аҳолининг кам таъминланган қатламлари турмушини моддий жихатдан кўллаб-кувватлаб келмокда. Мустақилликнинг дастлабки босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, устувор йўналаш деб эълон қилинди. Ўтаётган йилларимизга Юртбошимиз ташаббуси билан берилётган тарьифлар, шу асосда ишлаб чиқиб, амалга оширилаётган дастурлар бунинг ёрқин тимсолидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн бир йиллигига бағишлиган тантанали йигилишида Президентимиз юртимизда олиб борилаётган барча савобли ишларимизга, эзгу интилишларимизга бутун жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш, куч ва имкониятларни сафарбар этиш мақсадида 2004 йилни Мехр ва мурувват йили деб эълон қилиш тақлифини илгари сурди.

Юртбошимизнинг бу тақлифлари 2004 йил мобайнида амалга ошириладиган кўламли саъй-ҳаракатларимиз моҳиятини белгилаб беради. Агар ўтган йили мамлакатимизда 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами амалга оширилган, кам таъминланган оиласарга 4 миллиард сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилганлигини ҳисобга олсан, бу саъй-ҳаракатларнинг бошланғатган йилдаги миқёслари яққол намоён бўлади. Улар шу кунларда ҳар бир шаҳар ва туманда, овлул, қишлоқ ва шаҳарчада тегишли идоралар, жамоат ташкилотлари ишлаб чиқаётган ҳаракат дастурларида яна ҳам ривожлантирилиб, янги қирралари билан намоён этилиб, режалаштирилмоқда. Шу кунларда вилоятимизда ҳам маҳсус комиссия «Мехр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқмоқда. Унга «Обод маҳалла йили»да бошланған эзгу ишларни изчил давом эттириш қоидаси асос қилиб олинаяпти. Дастур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқуқий, маънавий ҳамда ташкилий чора-тадбирлар мажмумини ўз ичига олиши кўзда тутилган.

Янги йилнинг ҳаракат дастурда белгиланаётган тадбирлар жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилк, миллатлараро дўстлик ва фуқароларро тувилик, баҳамжиҳатликин кучайтиришга хизмат килиши шубҳасиз. Ҳалқимизнинг эзгу, саҳоватпешалик туйғулари ва фазилатларини ўсиб кёлаётган авлод, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир миллат ва элат фарзандлари қалбига сингдириш бу йилги маънавий-маърифий ишларимизнинг негизини ташкил этиши керак. Махаллик ҳокимлар, давлат ва ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамғармалар ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари асосий эътиборни ана шу масалаларга қаратишлари давр тақозосидир.

Биз ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ҳаётимизда тобора чукур қарор топтираётимиз. Янги йилнинг мақсад ва вазифалари, хеч истисносиз, бу жараённи яна ҳам чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга хизмат килади. Бу саъй-ҳаракатлар демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат пировард мақсадимизни яқинлаштиради, мамлакатимиз буюк келажаги сари йўлимизни равонлаштиради, шу йўлдаги интилишларимизга янада жўшқинлик ва самарадорлик бағишлади.

Шу боис, ҳар биримиз бу йилга яхши ният, аниқ мақсад билан қадам кўйиб: «Ассалом, 2004 йил!», «Ассалом, Мехр ва мурувват йили!» демоқдамиз.

Жўрабек МУРОДОВ.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўйл обод!



ТУҲФА

Янги йил арафасида Паркент туманида бир неча янги иншоотлар фойдаланишга топширилди

Паркент азалдан қўли гул, миришкор дехқону бобонлар юрти саналади. Мустақиллик йилларида эса, туманда бунёдкорлик, яратувчилик ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бошланди.

Бу ерда бир қатор маданий-маший иншоотлар курилиб, ҳалқ хизматига топширилди. Гузарлар, қишлоқ шифокорлик пунктлари, милиция таянч пунктлари, мактаблар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Илгари ҳабар қилганимиз-

дек, янги 2004 йил арафасида ҳам туманда бир қатор объектлар фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Чангиг қишлоғида 560 ўринга мўлжалланган янги мактаб биносининг очилиши ўкувчиларни қувонтириб юборди.

— Мактабнинг курилишида бир қатор ташкилотлар баҳоли қудрат иштирок этиши, — дейди туман ҳалқ таълими-

(Давоми 2-бетда).



СУРАТЛАРДА: мактабнинг очилиши тадбиридан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

МАРАФОН – ХАЙРЛИ МАҚСАДГА

Чирчик шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси ва «Болалар» жамғармаси шаҳар бўлими ҳамкорлигига хайрия марафони ўтказди.

Унда шаҳардаги ишлаб чиқариш корхоналари, жамоат ва бошқа бир қатор ташкилотлар иштирок этдилар.

Хусусан, шаҳардаги «Келажак авлод учун» хайрия жамғармаси 100 нафар кам таъминланган оиласалар фарзандлари ва етим болаларга 15 минг сўмлик ҳисоб рақамларини очган бўлса, «Чирчикгаз», «Чирком» корхоналари ҳам 100 минг сўмдан маблаг ўтказишган эди.

Шу куни шаҳар «Болалар» жамғармаси ҳисобига жами 3 миллион сўм маблағ тушди. Марафонда, шунингдек, 300 нафар болаларга кийим бош ва озиқовқатлардан иборат совғалар ҳамда 8та ногиронлик аравачалари топширилди.

ДЎРМОН БОҒИДАГИ ДАСТУРХОН

Кибрай тумани ҳокимлиги ногиронлар ва «Опа-сингиллар» жамиятлари туман бўлимлари билан ҳамкорликда тадбир ўштириди.

Махаллалардан ташриф бу ўрган 300га яқин ногиронлар учун Дўрмон боғида дастурхон ёзилди. 10 нафар ногиронга эса, аравачалар топширилди. Тадбирни самарали ўтказида «Истиқол», «Байтқўрон», «Лимончилик», «Дўрмон» ширкат хўжаликлари ва туман маданият ўйининг ҳиссаси салмокли бўлди.

Муҳаммад СУННАТОВ.

ТЕЗЮРАРНИНГ ИЛК САФАРИ

Марказий Осиёдаги дастлабки тезюарар ўловчи поезди Мехр ва мурувват йили арафасида ил бор Тошкентдан Самарқандга бориб қайтиди.

Хитойдаги Чжуҷчуо заводида тайёрланган ўта тезюарар электровоз ёрдамида ҳаракатланувчи маскур поезд кўхна ўтмиш обидалари шаҳрига бўлган 220 километрлик масофани атиги уч ярим соатда босиб ўтди. Бундай йўл учун собиқ «тезюарар»лар бир ярим соат кўпроқ вақт сарфлаган бўларди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан маскур сафар учун ҳозирланган олти вагонга ушбу йўл курув-

чилари, фахрий темирйўлчилар, журналистлар ва одатдагидек чипта олиб, тарихий воеқа қатнашчиларига айлананаётганларида бехабар ўловчиликлар жойлаштилар. Уларнинг барни янги кулаильиклар ҳамда кўрсатилаётган хизмат даражасидан лол қолишиди. Ахир, енгил металдан ясалган, ҳар бири ўзининг алоҳида электростанцияси ва мустакил иситиш мажмумига эга бу вагонларнинг олти кишилик купеларирик иккитадан телевизор ўрнатилган; «ЎзДЭУавто» заводида ясалган ўриндиклар эса, ўта қуай эди-да. Эшикларнинг ойнавандлигини айтмайсизми.

Темирйўлчилар бундай поездлар сонини ошириш ниятидалар.

Ўз мухбиримиз.

«Тошкент ҳақиқати» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
Обуна бўлдингизми?

Эслатиб ўтамиш:
бизнинг индекс –
205.

Янги йил – Индонезия билан!

МУЖИЗАЛАР КЕЧАСИ

Тошкентдаги «Буми» меҳмонхонаси анжуманлар залидаги чоршанба оқшоми интиқлик ва мўъжиза, ҳаяжон ва қувонч туйғулари омихта бўлиб кетди. Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчиси Хасим Сале мўъжаз саватчадаги рақамланган көзозлардан бирини кўлига олди. Ўнинчи ракам. Бир баҳтиёр инсон аниқланди. Навбатдаги голиб ким бўлади? Омад яна кимларга кулиб боқади?

Бу каби саволларга олдиндан жавоб бериш қийин, албатта. Чунки, танлов финалига чиққан 35 кишидан 16 голиб аниқлаб олиниши керак...

Ўтган йилнинг энг қизиқ танловларидан бири – «Янги йил – Индонезия билан!» танлови шундай якунланди. У Индонезия элчиҳонаси, «Тошкент хақиқати» ва Ташкентская правда газеталари, «Орият Доно» ва «Орият FM» радиостанциялари ҳамда Ўзбекистон Кизил Ярим Ой Миллий жамиятия ҳамкорлигига ташкил этилди. Уч ой илгари газетамизда ва радиостанциянинг сайтида Индонезия тарихи, маданияти, иқтисодиётига оид саволлар эълон қилинган эди. Тўғри, саволлар учунчилик мураккаб эмас, лекин, билим ёхуд кутубхоналар ва Интернет орқали қизгин изланишини тақозо этарди. Буни қарангки, саволларга 300 дан ортиқ жавоб олинди. Олис Индонезия муштарилийларимизда шундай қизиқиш уйғотади деб ўйламагандик. Ўқувчилар, талабалар, мутахассислар саволларга ўз жавобларини юборишишади. Баъзи мактублар расмлар, хариталар, фотосуратлар билан безатилганди. Албатта, бу хатларнинг



Эгаларига махсус совғалар топширилди.

Танлов саволларига жавобларни элчиҳона ходимлари синчиклаб саралашибди, уларни кунт билан текшириб чиқишиди. Натижада, 35 киши тўғри жавоб йўллаганини маълум бўлди. Лекин, сов-

ринлар миқдори 16 та эди. Янги йил оқшомида «Буми» меҳмонхонасида шу 16 голиб аниқланди. Иккى асосий соврин эса, «Паллада Восток» корхонасининг иқтисодчиси Светлана Апухтина билан талаба Лола Алиевага насиб этди. Уларга уяли телефонлар ва совғалар тўла

ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Янги йил арафасида пойтактимиздаги "Турон" санаторийисида янги реабилитация маркази ишга туширилди.

Ўттиз беш кишига мўлжалланган ушбу марказ хориждан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

ТУХФА

бўлими мудири Мухсим Хасанов. – Бирок, энг асосий ишни «Чанги» ширкат ҳўжалиги амалга ошириди.

Барча курилиш ишларига қарийб 300 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Вилоят ҳокимлиги эса, мазкур таълим муассасасини салкам 30 миллион сўмлик замонавий жиҳозлар билан таъминлади.

Мактабнинг махсус фан хоналари керакли ўкув куроллари билан жиҳозланган.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар бундай бунёдкорлик ишлари давом этиши, туманда

(Давоми. Боши 1-бетда).

БИЛИМДОНЛАР БАҲСИ

Халқ таълими бўлими ташаббуси билан Кибрай туманидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида Президен-

Бу эса ўз вақтида аниқ ташҳис қўйиш ва даволаш имконини беради.

Республика Касаба уюшмалари федерациясининг курортлар бош бошқармасидан маълум килишларича, тизимдаги йигирмага яқин дам олиш-даволаш масканинг имкониятини кенгайтириш, уларни замонавий талаблар асосида қайта таъмиглаш ва дам олувчиларга зарур шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(ЎЗА).

ди. Эндилиқда сангандакликлар шу ернинг ўзида тиббий кўриқдан ўтиб, муолажалар олишлари мумкин.

– 2004 йилда ҳам режаларимиз улкан, – дейди туман ҳокими Мирзамашраб Кучинев. – Хусусан, Наврӯз байрамига тухфа сифатида «Бойко-зон» ширкат ҳўжалигидаги 540 ўринли мактаб биносини, Рахмонқул номли маҳаллада 120 хонадонга мўлжаллаб тортилаётган газ кувурларини, 45-мактабнинг янги биносини фойдаланишга топширишни мақсад қилиб қўйғанимиз. Ҳозир бу иншоотларда сўнгига пардоzlash ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилаяпти.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбари.

тимиз асарлари билимдони кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда тумандаги 28 та мактаб ўқувчилари катнашиб, тафаккур баҳсида ўзларини синовдан ўтказишиди. Танлов натижаларига кўра, тумандаги 17-мактаб ўқувчиси Улуғбек Ҳасанов голиб дея эътироф этилди.

Ўз мухбиримиз.

Улар хизматда эдилар

ҚЎШАЛОҚ БАХТ

Ҳар йилгидек вилоят түгруқ мажмууда биринчи бўлиб түғилажак чақалокни кутиб ўтирибмиз. Бу бола қиз бўладими, ўғилми? Бундай ҳолат доим тақоролсанда, лекин инсонда ўзига хос интиқлик, ҳаяжон түғдиради. 31 декабрь, соат 23.00 гача ўн уч нафар чақалок дастлабки нафасини 2003 йилнинг ҳавосидан олди.

Энди янги йилнинг авлодини кута бошладик. Соатлар янги – 2004 йилнинг кирганигина кўрсатди. Шу пайт түгруқхонамизига биринчи гўдак түғлишидан хабар келди. Гулноза Раҳмонова исмли аёлни олиб келишибди. Чамамда бир соат ўтар-ўтмас мажмуамида янги йилнинг авлоди ёргу дунё юзини кўрди. Бу жажигина қизалок эди.

Мана бир неча йилдан бўён кўпинча навбатчилигим янги йилга ўтар кунга тўғри келади. Бундан мен жуда курсандман. Боиси шу кун умуман ўзгача тарзда ўтади. Бир томондан, янги йил шодлиги бўлса, яна бир томондан, болаларнинг оталари, яқин қариндошлири чехраларида кўшалок байрам шукухи уфуради. Буни кузатиш қанчалик баҳт эканини ич-ичимдан хис қиласаман. Шу куни кетма-кет яна 13 нафар гўдак ёргу олам юзини кўрди. Уларнинг тўрт нафари қизалок бўлса, тўқиз нафари ўғил бола эди. Бу чақалокларга разм солар эканман, вужудимдан бир сўз отилиб чиқади. Яъни, бугун дунёга келган гўдаклар умрининг охиригача кўшалок байрамни нишонлаш баҳтига мусассар бўладилар.

Зуҳра УСМОНОВА,
Чирчиқ шаҳридаги вилоят түгруқ мажмуининг шифокори.

ЭЛ ОСУДАЛИГИ – АСОСИЙ БУРЧИМИЗ

Ҳар қандай касбнинг оғир-енгиллигини унинг ичидаги юрсанги на билар экансан. Илгари ички ишлар ходимларига гўёки осон тутардим. Бу соҳа ходимлари ҳақидаги турфа хил гап-сўзларга ишонардим.

Кейинчалик мактабни тутатгач, тақдирнинг ҳукмими ёки бошқа сабаб биланни ички ишлар вазирлиги қошидаги академияга ўқишга кирганимда соҳа ҳақидаги тасаввурларим умуман ўзгарди. Ҳуқиши тутатиб, ҳақиқий милиция ҳаётига кириб келганимдаку, бу соҳа кишиларига қанчалик кийин эканлигини, елкаларида қанчалик оғир масъулият турганини ич-ичимдан хис этдим.

Халқимизнинг байрамлари, тўю томошалари тинч ва хотиржам ўтишида бу соҳа ходимларининг хизматлари, айниқса, халқ билан бевосита учрашувлар кўпроқ натижа бermокда.

Янги йил арафаси ва байрам кунлари юртошларимиз кўнгилдагидек ҳордик ҷиҳаришлари, 2004 йилни курсандилик билан кутиб олишлари учун ички ишлар ходимлари сергак турдилар.

Истардимки, Янги – 2004 йил ҳам ўтган йиллар каби халқимизга осуда ҳаёт, фаровон турмушни олиб келсин. Ҳар доим қишиларнинг тунлари беҳавотир, кунлари сермазмун ўтсин.

Фарҳод МУҲИДДИНОВ,
Зангиота тумани Ички ишлар бўлими ходими, милиция катта лейтенанти.

ХУРСАНДЧИЛИККА ШЕРИК БЎЛДИМ

Нозимимиз декабрь ойи учун навбатчилик рўйхатини тузиб, раҳбарга тасдиқлатиб чиқди. Деворда илиниб турган рўйхатга ҳайдовчилар бир-бир қараб: «Бу ўйни оиласам даврасида кутар эканман», – деб ортларига қайтавердилар.

Мен ҳам аста бориб, разм солсам, 31 декабрь куни навбатчилигидек исм-фамилиям ёзиглик турибди. Бир томондан: «Оббо, энди янги йил кирадиган кечা машина чамбарагини чанглалаб ўтиришим қолувди», – десам, яна бир томондан вужудимда қандайдир иликлик пайдо бўлди, яъни: «Бу кун кўчалар ҳам талашмай-тортишмай берабер кетади. Ўзимча ўйладим, янги йил мўъжизаси шу бўлса керак-да!

Янги йил ҳам кирди. Соатлар 24.00 га бонг урди. Халқнинг бояги шоду хуррамлиги ўн чандон ошиди. Улар дунёнинг фам-ташвишларини унуглиб, бир-бирларини кутлар, яқинларидан хабар олиб, табриклигани ошиқар эди. Янги 2004 йил юртимизга ташриф буорганидан сўнг ярим соат ўтар-ўтмас кўчалар одамлар билан гавжумлашиб кетди. Улар бир-бирларини танимасаларда, янги йилда эзгу ниятларни инъом этардилар. Михозларим ҳам факат ширин сўз, салом билан мурожаат қилиб, манзилларига элтиб кўйишимни сўрардилар. Манзилга етгач эса, кўярда-кўймай меҳмонга киришга таклиф этиб: «Бир пиёла чой ичиб кетинг», – дер эдилар.

Хуллас, байрам куни инсонлар хизматидаги бўлиш менг бор олам шодлик келтириди. Юртимиздан шодлик, кувонч аримасин.

Абдухолиқ МАЖИДОВ,
такси ҳайдовчиси, ўртачирчик тумани.

ҚАЛБЛАРДАГИ МЕХР НИҲОЛИ

Президентимизнинг 2004 йилни Mehr va muruvvat йили деб эълон қилишлари барча юртдошларимиз қатори мени ҳам қувонтириб юборди. Ҳалқимиз менталитетига хос ушбу тушунча мазкур йил сабабли янада кенгроқ қулоч ёзиши, мурувватли кишиларнинг эзгуликлар билан ошно бўлишилари муқаррар.

Бу ҳақда бежиз гап очганимиз йўқ. Вилоятда иккита меҳрибонлик уйи бўлса, шундан биттаси бизнинг Бўка туманида жойлашган. Бу йил ушбу муассасанинг ташкил этилганига 40 йил тўлади. Шу йиллар ичидаги бу ерда қанча ўқсик қалблар тарбияланаб, катта ҳаётга учирма бўлдилар.

Айни кунда ҳам ушбу меҳрибонлик уйида 172 нафар ўғил-қиз тарбияланаяпти. Уларнинг кўпчилиги отаси ёки онасининг ноқобил йўлга кириб кетганини оқибатида тирик етимлик азобини тортмоқда. Бу норасидалар ҳеч бир нарсадан кам бўлмасликлари, қалбларида «кемтик жой»ни тўлдириш учун ходимларимиз эртаю кеч уларнинг атрофида парвоналар.

2003 йилда муассасамизда 27 нафар вояга етган ўсмир катта ҳаётга учирма қилинди. Улар ўз хоҳишларига муовифик вилоятдаги касб-хунар коллежларига имтиёзли тарзда ўқишига кирдилар. Бу тарбияланувчиларга муассасамиз томонидан 27 минг сўмдан ёрдам пули берилди. Шунингдек, туман ҳалқ банки бўлими томонидан уларнинг ҳар бири хисобига 500 минг сўмдан маблағ ўтказилди.

Муассасамизга вилоятнинг бир қатор қўли очиқ кишилари яқиндан ёрдам берабер келишаётган.

Туман ҳокимлиги мутасаддилари ҳам биз билан ҳамнафас. Яқинда муассаса биносининг бир қисмини таъмиридан чиқариб, янги жихозлар билан таъминлашди. 2004 йилда иккичи бинони ҳам таъмирилаш режалаштирилган.

Бошқа қатор ташкилотлар ҳам ўзларининг беминнат ёрдамларини аяшмаяпти. Ҳусусан, яқинда вилоят прокуратуроси томонидан муассасамиз кутубхонасига бир қатор бадиий адабиётлар совға қилинди. Шунингдек, Америка-нинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳам келиб, болажонлар билан турли машғулотлар ўтказиши, уларга турли хил совға-саломлар улашиши, дастурхон тузаб, болалар меҳмон қилинди.

Саховатли юртда туғилиб, ўсиб улгайган ва унинг меҳрмуруватидан баҳра олган ҳар бир фарзанд шу юрт тараққиёти ва равнақи учун бор кучи ва билимини баҳшида этиши шубҳасиз.

**Уташ АБДУЛЛАЕВ,
меҳрибонлик уйи раҳбари.**

САМАРИДИАН КЎМАГИ

Америка Кўшма Штатларининг Самаридиан номли жамғармаси Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликдаги дастлабки ишни туман ва шаҳардаги ногирон ва ҳимояга муҳтоҷ кишиларга мoddий ёрдам тарқатишидан бошлади. Ҳусусан, ҳаракатланиш қобилияти чекланган 13 одамга ногиронлар аравачаси топширилди. Уларни бўлажак эгаларига етказиб беришда вилоят ҳокимлиги транспорт хизмати билан кўмаклашди. Мурувват кўрсатиш ишлари давом этмоқда.

Хуршида НАЗАРОВА.

МУРҒАК ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧИ

Янгийўл шаҳар марказида ўтказилган «Арча байрами»да 400 нафардан зиёд бола иштирок этди. Тадбирга кўплаб ташкилот, корхоналар ҳомийлик қилишибди. 192 нафар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига байрам совғалари топширилди. Ҳам ота, ҳам онасидан эрта ажраган 19 норасида гўдакка берилган Юртбoshимиз совғалари мурғак қалбларга бир олам қувонч багишлади. Тадбир мобайнида Болалар ижодиёти маркази ҳамда шаҳар Маданият уйи вакиллари ўз санъатларини наимойш этдилар.

Янги йил тадбирлари давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Президентимизнинг Конституциямиз 11 йиллиги танналарида 2004 йилни «Mehr va muruvvat йили» деб атаси ҳақидаги таклифини эшиддиму, чин қалдан қувондим, қўзларимда ёш қалқди.

Юртбoshимиз таъкидлаганларидек, меҳр-мурувват деган сўзининг замонида бир олам маъною бор. Бу, аввало, етимесирлар, бева-бечоралар, ҳаётда маълум бир сабабларга кўра омади юришмай қийинчиликни бошдан ўтказиётган кишиларга меҳр-мурувват бўлса, яна бир тушунча — ҳар бир инсоннинг она-Ватанга, ҳалқига меҳр-муҳаббатли бўлишидир.

Ўз Ватани, ҳалқига яхшилик қила олган кишидан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, юрт тузини оқлайди, ҳалқи юзига оёқ босмайди. Мустақил мамлака-



Меҳр ва мурувват тушунчалари азалдан ҳалқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боис юртдошларимиз бу йилни ўзгача қувонч ва эзгу ниятлар билан кутиб олди. Юртимиз бўйлаб инсонпарварлик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат билан боғлиқ тадбирлар, хайрли ишлар аллақачон бошланиб кетган.

Мамлакатимизнинг турли гўшаларига «Меҳр ва мурувват йили»нинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи сурат ва лавҳалар кўрк бағишлаб турибди.

СУРАТДА: пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан биридаги ранги панно.

А. ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент Ислом университетида "Багрикенглик ва меҳр-мурувват — жамият тараққиёти омили" мавzuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигига ташкил этилди.

Анжуманда мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ инсон қадр-қиммати, ҳукуқ ва манфаатлари энг юксак қадрият сифатида эътироф этилиб, жамиятимизда аҳоликни, фуқароларимиз орасида миллатлараро дўстлик мухитини мустаҳкамлаш борасида талай ишлар

амалга оширилаётгани таъкидланди.

2004 йилнинг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташабуси билан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши юртимиз аҳолисининг бир-бирига меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида кўйилган мухим қадам бўлди.

Бу фуқароларимизда бағрикенглик маданиятини тарбиялаш, кишилар қалбida меҳр-мурувват түйгисини камол топтириш ҳамда бу борадаги ишларни амалга оширишни бутун жамият ҳаёти тарзининг узвий қисмига айлантириш ўйидаги барча ишларни янада кучайтирища диний муассасалар ва уламолар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклайди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов иштирок этиди.

**Олим НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбари.**

БАРИ ТАРБИЯДАН БОШЛАНАДИ

тимиз истиқболи бўлмиш ёшларни мана шу руҳда тарбиялаш лозим.

Бу борада Янгийўл шаҳридаги Мезон маҳалласида бир қатор ижобий ишларга эришилмоқда.

Ҳусусан, ўсмир-ёшларни бекорчилликдан асрар, уларни ижодий меҳнатга жалб этиш максадида тўғараклар ташкил этилган. Маҳалла шаҳарнинг куляй ерида жойлашганлиги боис ҳам тўғараклар доим гавжум.

Ёшлар билан ўтказиладиган сўхбатлар, айниқса, мазмунли ўтади. Йигит ва қизлар ўзларини қизиқтирган масалалар, уларни қийнаётган

муаммолар ҳақида маслаҳатлашадилар.

Бугунги кунда маҳалла ахлиниң қарийб 60 фоизи ёшлардан иборат. Уларни қобилиятига яраша иш билан таъминлаш муаммоси ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Ҳар бир ўсмир лаёқатини ўргангандо ҳолда унга мос касб-хунар танланиб, меҳнат шартномаси асосида иш ўринлари берилмоқда.

Буларнинг баридаги маҳалла педагог-тарбиячиси Фарида Жўрабекованинг хизматлари катта бўлаётган.

— Аввало, кишида ўз меҳнати ва бошлаган ишига меҳр бўлсагина самараға

эришиши мумкин экан, — дейди у. — Ёшлар билан ишлар эса менинг севимли ишим. Улар билан сўхбатлашсан, муаммолари бироз бўлсада ҳал бўлишига кўмаклашса олсан, қалбан қонишиб ёхис этаман.

Назаримда, бу ҳам меҳр-муҳаббат, мурувватнинг бир кўриниши.

Ҳар бир инсон ана шундай тушунча ва ўй билан яшаса, ўз қалб кўри, меҳнати билан кимгадир меҳр бериб, мурувват кўрсата олса, юртимиз равнақига мунособ хисса кўшган бўларди.

Рахима АБДУЛЛАЕВА.

ДАСТУРХОНДА ҲИССАМ БОР

Хонадонингизга кутилмаганда меҳмон ташриф буюра, шубҳасиз, аввал дастурхон ёзасизу биринчи галда азиз небматимиз — нон ушатасиз. Сўнгра чой, қанд-қурслар билан безайсиз.

Ўзбек хонадонининг тўю томошаси, ҳар бир кунда дастурхон нонсиз бўлмайди.

Ҳамон эсимда, болалигимда уйдагилар тандирда нон ёпишарди, шунда биринчи узилгани менинг кулчам бўларди. Қўлларимга олардиму пуф-пуфлаб совутардим. Ноннинг хушбўй иси гўё борлики тутиб кетгандек, завқ-шавқим ортарди.

Ҳозир эса, ўзим новвойлик касбини эгаллаганман. Ҳалқимизнинг каттао кичик тантаналари, турли маросимларига нон ёпаман. Бу касбда уч йилдан ортиқ меҳнат қилмоқдаман. Устозларим Икром, Зайнiddин акалардан касбнинг сир-асорларини кунт билан ўрганаяпман.

Байрам кунлари ҳам ҳалқимиз дастурхонига азиз неъмат — нонни ётказиб бераётанимиздан хурсандман. Кириб келган янги йил, ҳар бир янги кун барчангизга муборак бўлсин. Хонадонингиздан бахт, сиҳат-саломатлик аримасин. Нон ҳамиша дастурхонингиз кут-баракаси бўлсин.

**Хуршид МУСАЕВ,
новвой, Зангигота
тумани.**

Dushanba**5****«Ўзбекистон» телеканали**

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Юнус Ражабий».
9.15 «Истеммолчи».
9.35 «Кўйха замин оҳанглари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Кишики таътил кунларида:
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.30 «Хунарманд».
11.50, 13.50 ТВ клип.
12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувчага».
12.25 13.25 ТВ анонс.

- 12.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.55 «Жиз-биз». Ҳажвий кўрсатув.
13.30 «КиноТеатр».
14.10 «Куч - билим ва тафаккурда».
14.45 Кундузги сеанс: «Кичкина малика». Бадий фильм.
16.10 Мусикий танаффус.
16.20 «Бир кулишайлик».
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Чек». Теленовелла.
2. «Олтин тож»да Янги йил.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Истевъодлар маскани». Премьера.
18.30 Бир жуфт кўшик.

«Ёшлар» телеканали

- 15.00 Кўрсатувлар дастури.
15.05 «Янги авлод» почтаси.
15.20 Кишики таътил экрани: «Ёввойи оқушлар».
16.40 Мусикий лаҳзалар.
16.50 «Жек ва ловия

- 18.45 «Ажаб саодат эрур».
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Келин-кўёв». Телешоу.
22.15 «Ошин». Телесериал.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

- 20.05 Мусикий лаҳзалар.
20.15 Буюк илаки йўлларида.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.30-0.35 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВ да сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.35, 22.00 «Пойтакт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23, 5 даражали бурчак остида».
20.20 «Авто-news».
21.00 «Инсон ва қонун».
21.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.20 Кинонигоҳ. «Келажакка қайтиб». 1-кисм.

- 23.50-23.55 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт» телеканали

- 8.00 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.
9.00 «Ҳабарлар».
9.15 «Ўзбекистон ифтихори». А. Тангрив.
9.35 «Спорт китъаси».
10.05 «Сув париси».
Синхрон сузиш бўйича халкаро турнир.
10.25-12.00 «Sport TV»да кино: «Само қироли». Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Ҳабарлар».
17.10 «Шоввозлар».
Мультфильм.
17.30 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
17.50 «Спорт менинг ҳаётим».
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши этади: «Жаҳон узра Ўзбекис-

- тон байроби». Олимпия ўйинлари.
18.30 «Ҳазил кетидан ҳазил», Ҳажвий кўрсатув.

- 19.10 «Ишонч ва муҳаббат замини».
Сериал.
20.00 «Мени кутгил».
21.00 «Время».
21.30 «Ҳабарлар».
21.40 Болалар спорти: «Биз спортчилар оиласимиз».
21.50 «Sport TV»да кино: «Нотаниш полвон». Бадий 1-кисм.
22.30 Жаҳон спорти.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

- 16.55 Даструрнинг очилиши. 17.00 Маърифий дастур. 17.30, 20.45 «Телехамкор». 18.00 Кино: «Шарло Испанияда».
19.30 «Ошикона». 19.45 «Бригада». Сериал.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтайлар!». 21.30 Кино: «Ренегат». 23.15 Спорт.

Seshanba**6****«Ўзбекистон» телеканали**

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шархи.
9.00 «Ўзбектелефильм» таҳдим этади: «Отбеги».
9.20 «Қўшиғимиз Сизга армугон».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Кишики таътил кунларида:
10.05 «Сеҳрли таёқча». Аброр Диоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли.
11.30 «Мулкдор».
11.50 Мусикий танаффус.
12.05 «Ажаб саодат эрур».
12.25 ТВ анонс.
12.30 Эстрада тароналари.
13.00 «Ошин». Телесериал.

- 14.10 Биржа ва банк хабарлари.
14.20, 16.50 ТВ клип.
14.30 «Яхшилар ёди».
14.50 Кундузги сеанс: «Самодаги саргузаштлар». Бадий фильм. 1-кисм.
15.50 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобака.
16.55 «Ватанимга хизмат қиласман».
18.10 «Қўйн оғаникнида ховли тўйи». Мультфильм.
18.30 «Олтин бешик».
18.50 ТВ клип.
19.00 «Тағсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Фарз ва қарз».
21.25 «Ошин». Телесериал.

«Ёшлар» телеканали

- 6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Гуллар шахри». Мультфильм.
10.00 Тонги сериал: «Рамаяна».
10.35 Саломат бўлинг.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.35 ТВ - адвокат.
11.40 «Гвадалупе». Телесериал.
12.20 «Ёшлар овози».
12.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Гўзаллик оламида».
12.50 Мусикий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ – анонс.

- 13.15 Болалар учун мультсериял: «Ақа-ука Гримм эртаклари».
13.40 Интерфутбол.
15.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.40 Мусикий лаҳзалар.
15.50 «Шоҳдор тулпор саёҳати». Бадий фильм 1-кисм.
17.15 ТВ - анонс.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
17.40 «Бир том остида». Мультфильм.
17.50 Таянч.
18.10 «Ёшлар овози».
18.30 Автопатрут.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 ТВ- анонс.
19.55 Мусикий лаҳзалар.
20.05 Сув - ҳаёт манбаи.
20.10 Дайдор.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.

- 21.25 Марди майдон.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Дарё бўйидаги учрашув». Бадий фильм.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 Мультфильм.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.40, 22.15 «Пойтакт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «23, 5 даражали бурчак остида».
19.50 «Хориж хабарлари».
19.60 ТТВда сериал: «23, 5 даражали бурчак остида».
20.20 «Туризм ҳақида».
21.00 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.55 «Ҳамшаҳарлар».
22.35 Кинонигоҳ.

- «Келажакка қайтиб». 2-кисм.
00.05-00.10 Хайрли тун, шахрим!
«Спорт» телеканали

- 8.00 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.
9.00 «Ҳабарлар».
9.15 «Ўзбекистон ифтихори». В. Куценко.
9.35 Болалар спорти.
10.15- «Ўзбектелефильм» намойиши этади: «Олимпни забт этган баҳодир». М. Абдуллаев. Ёш спортчилар спартакиадаси.
10.35 «Умидли ўсмирлар».
11.05-12.15 «Sport TV»да кино: «Нокдаун». Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Ҳабарлар».
17.10 «Шоввозлар».
Мультфильм.
17.30 От спорти бўйича жаҳон кубоги.
18.00 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
18.20 «Спорт антракт».
18.30 «Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси».

- 19.10 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Ким миллионер бўлышни истайди?»
21.00 «Время».
21.20 «Спорт-антракт».
21.30 «Ҳабарлар».
21.40 «Sport TV»да кино: «Нотаниш полвон». Бадий 2-кисм.
22.20 Жаҳон спорти. Еврофутбол.
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

- 9.00 Даструрнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауз Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар». Сериал.
10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Ренегат». Фильм. 13.30 «Кора қарға». Сериал. 14.40, 19.30 «Ошикона». 15.00 Телешоу. 16.00, 23.15 Спорт. 16.40 Ҳужжатли сериали. 18.00 «Ажадоҳнинг чишиғи». Фильм. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтайлар!». 21.30 Кино: «Үри аёл». Кино: «Кутқарув отряди».

Chorshanba**7****«Ўзбекистон» телеканали**

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шархи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мусаввир».
9.15 «Олтин бешик».
9.35 «Кўйла, ёшлигим».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Кишики таътил кунларида:
10.05 «Барти ва қарсилдоқ». Мультфильм.
11.25 Мусикий танаффус.
11.35 «Тағсилот».
12.05 Монте Карлодаги цирк фестивали.
12.55 ТВ анонс.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Фарз ва қарз».
14.30, 16.10 ТВ клип.

- 14.40 Кундузги сеанс: «Самодаги саргузаштлар». Бадий фильм. 2-кисм.
15.40 «Ягона оиласда». Болалар сайёраси:
16.20 1. «Янги йил кувончлари».
2. «Бананлар». Мультфильм.
18.10 Мумтоз наволар.
18.30 Репортаж.
18.35 «Қалб гавҳари».
18.55 ТВ клип.
19.05 «Ҳаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.25 «Қўшиғимиз Сизга армугон».
21.55 «Ошин». Телесериал.
22.55 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканали

- 6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Ёқ кабутар.
9.35 Тонги сериал: «Рамаяна».
10.35 Тафаккур ёлқинлари.
10.50 «Ёшлар овози».
10.10 ТВ - адвокат.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.15 «Дайдор тутининг кайтиши». Мультфильм.
11.15 Сийрат.
11.15 ТВ – анонс.
11.15 «Умр дафтари» туркумидан: «Ойбек». Видеофильм. 1-кисм.
11.15 Автопатрут.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.15 «Дайдор тутининг кайтиши». Мультфильм.
11.15 Сийрат.
11.15 «Умр дафтари» туркумидан: «Ойбек». Видеофильм. 1-кисм.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.15 «Дайдор тутининг кайтиши». Мультфильм.
11.15 Сийрат.
11.15 «Умр дафтари» туркумидан: «Ойбек». Видеофильм. 1-кисм.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.15 «Дайдор тутининг кайтиши». Мультфильм.
11.15 Сийрат.
11.15 «Умр дафтари

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 Болажонлар экраны.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».

18.30, 20.00, 20.50,
21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклиймиз кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».
20.20 «Бурч ва масъулият».
21.05 ТТВда сериал: «Биз спортилар оиласимиз».

«Спорт» телеканали

8.00 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.
9.00 «Хабарлар».
9.15 Болалар спорти: «Биз спортилар оиласимиз».

22.05 Кинонигоҳ. «Зорро». 00.05-00.10 Хайрли тун, шахрим!

9.35 Футбол федерациясида Янги йил.
10.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Олимпиадаги ўзбекистон одимлари».
11.00-12.20 «Sport TV»да кино: «Такси». Спорт комедияси.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.10 «Шоввозлар».

Мультфильм.
17.30 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
18.00 «3-тайм». Футбол шархи.
18.30 «Шунчаки Кулгу».
19.10 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бўғин».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.40 Болалар соати.
21.50 «Паузер Рейнжерс ёки кучли рейнджерлар».

спорти одимлари».
22.20 Жаҳон спорти. Бокс.
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати.
14.20 «Хабарлар».
15.00 Телешоу. 16.40 Хужжатли сериал.
18.00 «Кўча жангчиси». Фильм. 19.30 «Ошиқона». 19.45 «Баязет». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичконтойлар!».
21.30 Кино: «Вулқон».

Сериал. 10.40, 16.00, 23.15 Спорт. 11.10 «Сан-Тропе». Сериал.
12.00 «Кутқарув отряди». Фильм. 13.30 «Кора карға». Сериал.
15.00 Телешоу. 16.40 Хужжатли сериал.
18.00 «Кўча жангчиси». Фильм. 19.30 «Ошиқона». 19.45 «Баязет». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичконтойлар!».
21.30 Кино: «Вулқон».

ЛУМА**«Ўзбекистон» телеканали**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шархи.
Қишиқ таътил кунларидан «Болалар сайдераси»:
9.00 1. «Қизиқарли учрашувлар».
2. «Ерілтош». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Бир жиноят издан».
10.30 «Соҳибжамол ва маҳлук-1». Мультфильм.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Тағсилот».
12.25, 12.55 ТВ анонс.
12.30 «Кўёшли юрт оҳанглари».
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 Телемулоқот.
14.55 Кундузги сеанс:

9

«Биз ёлғиз эмасмиз». Бадий фильм. 1-кисм.
16.25 «Оламни асрани!» «Болалар сайдераси»:
16.45 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобака.
3. «Мушукча ва йўл харакати». Мультфильм.
18.10 «Чорраҳа».
18.30 «Мусанниф».
18.50 «Тиббиёт одимлари».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт кўшик.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ клип.
21.45 «ЎзДЭУавто Сиз учун».
22.00 «Ошин». Телесериал.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунавар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ – анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.40 «Мульттомоша».
9.55 Тонги сериал: «Рамайна».
10.30 «Давр» - интервью.
10.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Най».
11.00 Кўли гул уста.
11.20 ТВ - адват.
11.25 «Гадалупе». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Буқоқ ипак йўлларида.
12.45 Мусикий лаҳзапар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ – анонс.
13.15 Болалар учун

мультсериял: «Ака-ука Гримм эртаклари».
13.20-23.25 Ватан тимсоллари.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Мусикий лаҳзапар.
15.50 «Қойилмақом жиноят». Бадий фильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: У ким? Бунима?, Кичконтой театри.
18.10 Аскар мактублари.
18.30 «Умр дафтири» туркимидан: «Ойбек». Видеофильм 3-кисм.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 2004 – Мехр ва муруват йили.
19.45 Азизим.
20.00 Давр: миллий хавфсизлик.
20.25 Мусикий лаҳзапар.
20.35 XX аср ўзбек шеъриятидан.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гадалупе». Телесериал.
21.30 Кишлодаги

тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 «Дўстим Жо». Бадий фильм.
0.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари.
1.10-1.15 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 Мульфильм.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Болажонлар экраны.
18.30, 20.00, 20.50, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклиймиз кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23, 5 даражали бурчак остида».
20.20 «Эл хизматида».

21.05 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.05 Кинонигоҳ. «Асрлар оша».
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт» телеканали

8.00 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.
9.00 «Хабарлар».
9.15 «Белида белбоғи борлар».
9.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Универсиада».
10.05 «Спорт технологияси».
10.20-12.05 «Sport TV»да kino: «Грин янги йили ўйрглагани ҳакида». Болалар учун бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.10 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 Жаҳон спорти. Нокаут.
18.30 Хужжатли фильм.

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.40 Жаҳон спорти. Еврофутбол.
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Паузер Рейнжерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40, 16.00, 23.15 Спорт. 11.10 «Сан-Тропе». Сериал.
12.00 «Вулқон». Фильм.
13.30 «Кора карға». Телесериал. 14.40, 19.30 «Ошиқона». 15.00 Телешоу. 16.40 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.45 «Баязет». Сериал. 21.05 «Клип-совфа». 21.20 «Хайрли тун, кичконтойлар!». 21.30 Кино: «Сотқинлик».

SHANBA**«Ўзбекистон» телеканали**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Газеталар шархи.
«Болалар сайдераси»:
9.00 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобака.
10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 «Мусика дунёси».
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Тиббиёт одимлари».
11.45, 13.05 ТВ клип.
11.55 «Соҳибжамол ва маҳлук-2». Мультфильм.
13.15 «Қалб гавҳари».
13.35 ТВ анонс.
13.40 «Чорраҳа».
14.00 «Биз ёлғиз

10

эмасмиз». Бадий фильм. 2-кисм.
15.30 «Дўстлик» видеоканали. 1. «Максадлар муштараклиги».
2. «Сахиҳ хонадонда».
3. «Умид».
16.30 «ЎзДЭУ авто Сиз учун».
16.45 С. Зуннунова. «Қайна» Теленовелла.
17.15 «Изҳор».
17.35 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.05 «Рангин дунё».
18.25 «Интеллектуал ринг». Телеўин.
19.05 Бир жуфт кўшик.
19.15 «Ўзлото». Телелтерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунавар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ – анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: У ким? Бунима?, Кичконтой театри.
10.05 Табобат оламида.
10.30 Жаҳон жуғрофияси.
11.20 Давр: миллий хавфсизлик.
20.30 Кинонигоҳ.

11.45 «Гадалупе». Телесериал.
12.25 2004- Мехр ва муруват йили. Мехр кўзда.
13.05 Мусикий лаҳзалар.
13.20 Ринг қироллари.
14.10 Кишлодаги тенгдошим.
14.30 Қишиқ таътил экранни: «Тарзан». Мульфильм.
16.00 «2004-Мехр ва муруват йили». Азизим.
16.25 ТВ – анонс.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Келинг, танишайлик.
17.15 «Мерлин». Бадий фильм 1-кисм.
18.00 Саломатлик сирлари.
18.20 Мутолаа. Ойбек.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 Мусикий лаҳзалар.
19.55 Минг бир ривоят.
20.00 Кутимаган

мехмон.
20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.25 «Мерлин». Бадий фильм 2-кисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Ёввойи мушук дарасидан кочиши». Бадий фильм.
0.35-0.40 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Мульчархпалақ». 18.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 «Билим» телеклуби.
18.35 «Афиша».
18.55 «Мисли гавҳар».
19.10 «Табриклиймиз кутлаймиз».
19.40 «Нима учун?»
20.10 «Жаҳон географияси».
20.40 ТТВда сериал: «23, 5 даражали

бурчак остида».
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
22.00 Кинонигоҳ. «Нажот ҳайқириғи».
23.20-23.25 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт» телеканали

8.00 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.
9.00 «Хабарлар».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баркамол авлод» ўйинлари.
9.45 «Юнон – Рум» кураши бўйича ҳалкаро турнир».
10.45-12.05 «Sport TV»да kino: «Золушка». Бадий фильм.
13.40 Хужжатли фильм.
14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеўин. 18.10 Кино. «Каллакесарлар». 19.45 «Ошиқона». 20.00 «Спорт-экстрем». 21.05 «Фурурлик кодекси». Сериал. 22.00 Кино: «Келажақдан келган ўзга сайёрайлик». 23.45 Мусикий дастур.

Басков ва бошқалар концерт дастурида.
21.00 «Время».
21.25 «Спорт-антракт».
21.30 «Хабарлар».
21.40 «ФИФА» (Футбол ичидаги футболь атрофиди)
22.40 «Sport TV»да kino: «Бирни кўриб шукур кил». Бадий фильм.
0.00-20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30 Мульсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Оламга нигоҳ». 12.00 Кино: «Сотқинлик». 13.40 Хужжатли фильм.
14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеўин. 18.10 Кино. «Каллакесарлар». 19.45 «Ошиқона». 20.00 «Спорт-экстрем». 21.05 «Фурурлик кодекси». Сериал. 22.00 Кино: «Келажақдан келган ўзга сайёрайлик». 23.45 Спорт шархи.

YAKSHANDA**«Ўзбекистон» телеканали**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат киламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Кўхна замин оҳанглари».
11.40 «Бу турфа олам».
12.30 «Муқаддас таҳтиз

Ўзбекистон ва жаҳон

ЯХШИ НИЯТ АЛОМАТИ

Шу кунларда дунё ҳамжамияти эътибори Эроннинг Бам шаҳрига қараштаган. Жорий йилнинг 26 декабрь куни ушбу шаҳарда минглаб инсонлар ҳайтига зомин бўлган кучли ер силканини содир бўлди.

Бамдаги фожеавий воқеа Ўзбекистон халқида чукур қайғу ва ҳамдардлик уйғотди. Тошкент аэропортида болалар кийим-кечаклари, дори-дармонлар, кўрпа-тўшаклар, палатка ва чодирлар, ичимлик суви, дезинфекция моддалари, ошхона анжомлари ва бошқа нарсалардан иборат бўлган 13 тонна инсонпарварлик юки Эронга жўнатилди. «Ўзбекистон ҳаво йўлари» миллий авиакомпаниясининг ИЛ-76 самолётида юборилган юк республикамизнинг «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзфармсаноат», «Экосан» халқаро жамғармаси, Қизил Ярим Ой жамияти ва бошқа ҳукумат ва жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилди.

— Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Эрон Ислом Республикаси Президенти Сайид Муҳаммад Хотамий ва Эрон халқига ушбу фожеа муносабати билан йўллаган таъзияномаси учун миннатдорлик билдирамиз. Эрон халқи ушбу фамхўрликни хотирасида абадий сақлайди, — деди юкни юбориш молосимида иштирок этган Эроннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтар элчиси Муҳаммад Фатҳ Али.

Юкни манзилга етказиш ва уни топшириш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига юкланди.

«Жаҳон» АА.

Ўтган йилда 140 дан зиёд мамлакат БМТ аҳолишунослик фондига (ЮНФПА) маблағ ўйладилар. Ўзбекистон биринчи маротаба ушбу нуфузли халқаро ташкилотга молиявий ёрдам кўрсатаётган давлатлар қато-ридан жой олди.

АҲОЛИГА ФАМХЎРЛИК – ОЛИЙ ВАЗИФА

ЮНФПА тақсимловчи директори Сорайя Обейд якунланган йилда кўрсатилган молиявий кўмак миқдори кутилганидан зиёда бўлганини қайд этди. У мазкур кўрсаткич жаҳондаги барча мамлакатларнинг фондга нисбатан ишончи ва хурмат-эҳтироми ортиб бораёттанинг нишонаси эканини таъкидлади.


Ташкилот мамлакатимизда 1992 йилдан бўён аҳолининг репродуктив

саломатлигини яхшилаш, оналик ва болалик ўлимини камайтириш, умр давомийлигини узайтириш соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг ЮНФПА донор мамлакатлари сафига қўшилиши юртимизнинг келгусида ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорлиги янада чукурлашувидан далолат беради.

«Жаҳон» АА.

Саҳифа меҳмони



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

ЕРНИНГ АЙЛАНИШИ – БУЮК БИР ҚОНУН

Янги йил келиши доим кишини шошириб қўяди.
Ўзингни ҳашаматли бир уй олдида тургандек ҳис этасан.
Бу уйни ҳали кўрмагансан. Ичкарида нима бор-у, ҳаётинг энди қандай кечади?! – ўйлашиб керак. Муҳими, бу уйга эга бўдии, унга муносаб бўлиши сенга насиб этадими?! – ўйламаслик, орзу килмаслик мумкин эмас.
Ўтган йил ва бутун ҳаётинг кўз олдингдан кечади.

Янги йилда олдингидан яхшироқ яшаб, катта бир эзгу ишларни амалга ошириши нияти билан остононадан ичкарига қадам ташлайсан. Барчани чин дилдан кутлайсан.
2003 йил мен учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳнат иили бўлди. Алишер Навоий ҳаётига бағишланган «Буюк фаррош» романи («Ишқ ахли» романининг давоми) устида ишладим. «Одамлар кулишлари керак» деган романни ҳам қоралай бошлаганман. Бир қанча мақолалар, шеърлар ёздим, улар матбуотда ва турли мажмуаларда эълон қилинди.
«Тошкент ҳақиқати» мен учун севимли газета. У ўқувчилар эътиборини қозонган. Янги йилда янада эътибор топишни тилайман. Бир ижодкор сифатида менга бу газета ҳамиша меҳрибонлик кўрсатиб келган. Мен буни қадрлайман ва миннатдорлик сезаман. Кутлуғ байрам кунлари шундан, бир неча янги ёзмаларни азиз газетхонларимиз дикқатига ҳавола қилаяпман...

ТИЛАКЛАР

Ҳар бир йилдан,
ойдан, кундан,
соат, лаҳзадан –
Баҳра топмоқ керак. Керак –
кўнгил яйраши.
Сен онасан! –
баҳт ўйланини бизга ёз, Ватан,
Умримизда тўйкин бўлсин
қушлар сайраши.

Умримизда доим бўлсин
ой билан офтоб,
Бошимизда чаракласин сонсиз юлдузлар.
Чекинсин бор машақатлар,
кўзлардаги хоб, –
Эригандек баҳор пайти
абадий музлар.

Ёруғ бўлсин юзлар. Кўзлар.
Одамлар барча
Фурур билан, бир-бирига қарай олсин тик.
Ҳар бир қалбга,
бамисоли очгандек дарча,
Кириб борсин табиатда бўлган –
Гўзаллик...

Ернинг айланиши – буюк бир қонун,
Ерда яшамоқлик – буюк бир шараф.
Тинмай алмашиниб келган тун ва кун –
Аммо суриб борар Ерни нур тараф,
Умид ёруғликка юз тутса олам!

Умрида китобга боқмаган одам,
Бирон куй мавжиди оқмаган одам,
Мудраб яшамоқни ёқлаган одам! –
Сен Ерни орқага тортмаяпсанми?!
Ўз юкингни унга ортмаяпсанми?!

ТАРИХ

Дунё кўрди не-не шоҳларни,
Кулфатларни, аччиқ оҳларни,
Тарқ этаи, деб тушган чоҳларни –
Инсон кўкка талпиниб ўтди.

У қидирди ҳар хил роҳларни,
Кучиб ётди тўлин моҳларни,
Кўп эшишиб «гоҳи-гоҳ»ларни –
Инсон Ерда қалқиниб ўтди...

Захматни ибодат деб билган,
Хизматни ибодат деб билган,
Ҳимматни ибодат деб билган –
Бир ҳалқсан. Faroib.

Меҳмондўст бўлишга интилган,
Бекам-қўст бўлишга интилган,
Этга пўст бўлишга интилган –
Бир ҳалқсан. Faroib...

Инсон Олис Йўлда
қийналиб,
тойиб, –
Доим эзгу кунларни
кутди...

Бадавлат бир ҳалқмиз. Эскидан.
Бўлмаган ҳеч қачон биз гариб.
Вулқонлар отилиб кўксидан, –
Одамлар боради ўзгариб.

Шарт эмас уларга хитоблар,
Ўзини гўёки поралаб.
Биз мангу ўтганмиз азоблар –
Ғурбатлар шамоли оралаб.

Озодлик боболар мероси,
Бу туйғу билмайди ҳеч қарши.
Одамнинг ўзгарар дунёси –
Интилиб истаса ўзгариш.

Бадавлат бир ҳалқмиз. Эскидан.
Ҳақлимиз яшашга баҳтли, шод.
Вулқонлар отилиб кўксидан, –
Инсоннинг топгани шу мурод...

ОТАМГА

Бухорони тушда кўраман,
Тушларимга кирап минг бора –
Оддийгина салла ўраган,
Яктақ кийган отам-бечора.

Унинг қуюқ қошлиар остидан
Боқиб турар кўзлари ўткир –
Ёлғони кўп бўлган ростидан
Замонларда яшаб қолган сир.

Бу сир менга тушларимда ҳам
Берган каби қандайдир сабоқ –
Ичда бўлиб мағрур ва ўқтам,
Содда, камтар бўлиб яшамоқ...

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

ЖАҲОН МАЙДОНИ КЕНГ

Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Бугунги кунда 582 минг 927 нафар вилоят аҳолиси спортнинг 48 тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Вилоятимиз бўйича кейинги уч йилда 108 нафар спорт устаси, 15 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 500 дан зиёд спорт усталигига номзод, 1000 дан ортиқ биринчи разрядли спортчилар тайёрланди. Улар томонидан республика мусобақаларида 123 та, халқаро турнирларда 44 та — жами 167 та олтин медалларга эришилди.

Бунинг инъикоси сифатида ўғил-қизларимиз «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» республика мусобақаларидан тортиб, жаҳон чемпионати баҳсларигача вилоятимиз шарофини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Ёшлар ўртасидаги республика баҳсларидан вакилларимиз 2003 йилда Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларида умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаб, айниқса, салмоқли ютуқларни кўлга киритишиди.


Вилоятимиз спортчиларининг жаҳон майдонларида эришаётган зафарлари ҳам бундан қолишмайди. Курашчи йигитимиз Дилшод Мансуров АҚШда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида рақиб-

ларининг курагини ерга теккизib, 2004 йилда бўлиб ўтадиган Афина олимпиадасига ўйлланманни кўлга киритган бўлса, яқинда чирчиклик дзюдоимиз Эгамназар Акбаров ҳам худди шундай имконият соҳиби бўлди. Бўstonлиқлик чавандозимиз Файрат Назаров Осиё чемпионлиги ва Жаҳон кубоги соҳиблигини кўлга киритгач, жорий йилда Грекияда бўлиб ўтадиган от спорти бўйича жаҳон чемпионати финалида қатнаши хукукига эга бўлди. Йил чирчиклик дзюдои Санжар Зокиров, енгил атлетикича вакилларни Ольга Жогольева, маҳшур боксчиларимиздан Икром Бердиев, Рустам Саидов ва Бахит Сарсекбаевлар учун ҳам омадли бўлди, дейиш мумкин. 2003 йилда Марказий Осиё ва Афро-Осиё ўйинларида голибликка эришган ушбу уч боксчимиз айни паллада яқинда Филиппин пойтахти — Манилода бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида муваффакиятли қатнашиб, Афина олимпиадасига ўйлланманни кўлга киритиш учун қизғин машғулотлар олиб боришмоқда. Насиб этса, бу сингари спортчиларимизнинг муваффакиятли иштироки 2004 йилда жаҳон майдонларидаги зафарларимиз ибтидоси бўлади.

**Баҳром FOФUРОВ,
вилоят жисмоний тарбия ва спорт
қўмитаси раиси.**

ВАТАН БАЙРОФИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ

Яқин йилларда республикамиз спорт ҳаётида «Чирчиқ бокс мактаби» атамаси ҳам пайдо бўлди.



Негаки, халқаро тоифадаги спорт устаси, 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида XIV Осиё ўйинлари голиби, 2002 йилдаги Осиё чемпиони, Марказий Осиё ўйинлари голиби Икром Бердиев, халқаро тоифадаги спорт устаси, 91 килограммдан ортиқ вазнда бир неча бор ўзбекистон чемпиони, 2000 йил Сидней Олимпиадаси бронза медали соҳиби, Осиё ўйинлари голиби, жаҳон чемпионати — 2003 бронза медали соҳиби, V Марказий Осиё ўйинлари, Афро-Осиё ўйинлари голиби Рустам Саидов, 2002 йил Осиё чемпиони, Осиё ўйинлари совриндори, Афро-Осиё ўйинлари голиби, «Ўзбекистон ифтихори» увони соҳиби Бахит Сарсекбаев, халқаро тоифадаги спорт устаси, 1999 йил Осиё чемпиони, 2000 йил Сидней Олимпиадаси иштирокчиси Алишер Раҳимов сингари

донгдор боксчилар айнан шу мактабда таҳсил олишган. Уларнинг спортда эришаётган натижаларига ҳар бир йигит-қиз ҳавас киласа арзиди. Айни пайтада Чирчиқдаги олимпия захиралиари билим юрти, «Олимпия умидлари» бокс зали, 3-мактаб бокс мажмуи, «Ўзбеккимёаш» корхонаси спорт мажмуи, «Олмос» спорт мажмууда фаолият олиб бораётган бокс бўйича вилоят терма жамоаси бош мураббийси Илес Раҳимжонов (1987 йилда Югославияда бўлиб ўтган «Олтин гонг» халқаро турнири голиби), Карим Маҳмудов (уч карда Ўзбекистон чемпиони, 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби), Маҳмуд Хўжаев сингари истеъододли мураббийлар юзлаб ёшларни бокс сирларидан хабардор этиб, уларни янги-янги спорт муваффакиятлашири сари ўйлассанди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

СПОРТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарбиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори журналистлар зинмасига ҳам қатор вазифаларни юклади.


Карорда Ўзбекистон телевидениесида спорт

канали очиш, журналистика факультетида таҳсил олаётган талабаларга спорт журналистикасидан маҳсус назарий ва амалий дарслар ўтиш, шу йўналишида магистратурага талабалар қабул қилиш каби вазифалар кўзда тутилган.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорига жавобан, — дейди Ўзбекистон Миллӣ университети журналистика факультети декани, доцент К. Эрназаров, — 2004 йилнинг январь ойидан факультетимизда маҳсус ўкув курслари ташкил этиш режалаштирилган. Янги очилаётган спорт телеканалига ҳам талабалар маҳсус амалиётни ўтash учун жалб этиладилар.

Файрат ШЕРАЛИЕВ.

Xabarlar va maktublar



Таҳририятга хат келди

«ЭЛ ДУОСИНИ ОЛГИН, БОЛАМ»

Ёшим 104 дан ошди. Шу ёшга кирганда, кўзим хирадлаши. Узокни кўролмайдиган, яқиндагини ҳам яхши илгар олмайдиган бўлиб қолдим.

Қизим Колдиқиз сизни давлатаман деб кўймади. Елиб-юргириб, Тошкентдаги бир дўхтирохонани айтиб келди. Номи ҳам «Шифо-нур»миди-ей? Кўярдаймай у ерга олиб борди. Қариган чоғимда шунча азобни менга нима кераги бор, десам, ҳали тузалиб кетасиз, дейди кизим тушмагур.

Бордик, дўхтирлар кўрди. Ай-

ниса, Равшан исмли йигитнинг кўли енгил экан. Кўзимни ўша операция қилди. Ҳозир биноидек кўраман.

Сизга хат ёзишдан мақсад, ана шу Равшан Мирҳакимовга миннатдорчилек билдиришдир. Боши омон бўлсин, доимо бола-чақасининг роҳатини кўриб юрсин.

Мартабаси бунданда юкори бўлиб, эл дусини олаверсин. **Авазхон ДАУЛАТОВА,
Бўка туманидаги Турғун
Ражабов номли ширкат
хўжалиги.**

«ЧАШМА» САБОҚЛАРИ

Баъзида ёшларни енгилтаклиқда, ҳаётнинг арзимаган синовлигига бардош бера олмаслигига айблаймиз. Ҳаққатда ҳам шундайми? Аслида, уларнинг ноқобил бўлиб улғайишига ўзимиз сабабчи бўлмаяпмизми?

Қишлоғимизда ташкил этилган ҳалқ хунармандчилигини ўргатувчи «Чашма» ўкув маркази ёшларни ҳаётта тайёрлаш борасида ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келяпти.

Марказинг очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, аммо ҳозиргача 100 дан зиёд сўкоқлик йигит-қизлар каштасилик, кулолчилик, ҳайкалтарошлиқ, зардўзлик бўйича таҳсил олдилар.

Бу ерда уларга хунармандчилиқдан таълим бериш билан бир қаторда маънавият ва маърифат дарслари ҳам уюштирилмоқда. Бунда турли муаммолар ўртага ташланниб, ёшларимиз билан муҳкамма қиласиз. Ҳаққатда баҳсларда туғилади деганларидек, хоҳ у оиласий муаммолар бўлсин, ҳоҳ соҳавий масалалар бўлсин, барига ечим топишга ҳаракат қиласиз ва шу тариқа ўз ўкувчиларимизнинг дунёқарашларини кенгайтириб борамиз.

**Саодат НУРМАТОВА,
Паркент тумани, Сўкоқ қишлоғидаги «Чашма» ўкув
маркази раҳбари.**

Сўранг, жавоб берамиз

ГАЗЕТАЛАР СОНИ НЕЧТА?

Мактабда дарс бераман. Машгулот пайтида ўкувчиларимдан бири «республикамизда нечта газета ва журнал чол этилади?» деб сўраб қолди. Чиндан ҳам уларнинг сони қанчада?

Дилфузза НАБИЕВА, муаллима.

«Оммавий ахборот воситаларирига фуқаролар ҳукукларини ҳимоя қилиш юзасидан юборилган муружаатларнинг кўриб чиқилишини такомиллаштириш» мавзууда ўтказилган анжуманда таъкидланнича, республикамизда 813 оммавий ахборот воситаси, жумладан, 562 та газета, 172 та журнал, тўртта ахборот агентлиги, 75 телерадиостудия ва кабель телестудиясида фаолият кўрсатмоқда.

СУВНИ ИСРОФ ҚИЛМАНГ

Ер сатҳининг асосий қисми сувдан иборат-ку, сув танқислигининг сабаби нимада?

Салимжон ФАЙЗИЕВ, ишчи.

— Бир қарашда, чиндан ҳам, ер юзида сув танқислиги муаммоси юзага келиши гайритабиийдек, — дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси Турғун Эргашев. — Чунки, сайёрамизнинг 70 фоизи сувликдан иборат. Аммо, умумий сув заҳирасининг атиги 2,5 фоизи ичиш учун яроқли ҳисобланади. Унинг ҳам 69 фоизи муз, 30 фоизи ер остида, қолган бир фоизи эса дарё ва бошқа ерусти сув маёнлари кўринишидади.

Халқаро анжуманларда таъкидланишича, дунёда ҳар олти

кишининг биттаси ичимлик сувни танқислигидан азият чекмоқда.

Маълумотларга кўра, 1950 йилдан бўён дунёда сув истеъмоли иккита баробарга ошган. Дунё бўйича сув истеъмолининг 75 фоизи қишлоқ ҳўжалиги, 20 фоизи эса саноат ҳисобига тўғри келади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2020 йилга бориб киши бошига сув танқислиги ҳозирги кўрсаткичга қараганда уч марта камаяр экан. Чунук сувни исроф қилмасликка даъват этиб, бонг урилишининг боиси ҳам шу.

КЎМАК САЛМОГИ КАТТА

Ташкилотлар ва шахслар ҳомийлигида қурилаётган мактаблар ҳақида кўп ёзишиди. Чиндан ҳам уларнинг салмоғи шунга арзидими?

Сарвар ҚОСИМОВ, муҳандис.

— Аввало, инсон саховати салмоғини ўлчайдиган мезон йўқ, — дейди вилоят ҳоқимлиги ижтимоий масалалар бўйича котибияти бош мутахассиси Олег Тожиев. — Ҳар қандай яхшилик, унинг катта ёки кичиклигидан қатни назар мақтovга арзиди. Колаверса, сўнгги йилларда мактаблар куриш ва уларни замонавий жиҳозлашда ҳомийлар иштироқи ҳаққатда кенгайб бормоқда. Масалан, 2003 йилда бюджет ҳисобидан 1 минг 70 ўринга мўлжалланган иккита янги

ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛИ



Янги йил арафасида "Ўзбекистон ҳаво йўлари" миллий авиакомпанияси самолётлари ҳалқаро қатнов кўламини янада кенгайтириди. Япония, Хитой, Малайзия, Таиланд каби Осиё давлатлари қатогира Вьетнам ҳам қўшилди.

Энди пойтахтимиздан кўтарилиган ҳаво кемаси етти соатлики масофани ортда қолдириб, қитъамизнинг Жануби-Шарқий минтақасидаги Вьетнамнинг йирик саноат маркази - Ҳошимин шахрига бориб-қайтади.

(ЎЗА).

Bolalik bog'i

НАЙКАЛ



Yangi yilda Qorbobo Tarqatdi sovg'a. Hammanni sevintirdi Tugadi g'ovg'a. Ertasi gupillatib Qor yoqqan mahal, Qorboboga qo'yishdi Bolalar haykal.

Ne“mat DUSHAYEV.



A. ҲАКИМОВ чизган расм.

Дейдилар...

ҚИЙИН ТИЛ

ТОМОША САНЪАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академијаси Замонавий санъат марказида Миллий томоша санъатимиз тарихига бағишиланган кўргазма очилди.

Унда мусаввирлари-мизнинг юртимиизда қадим-қадимдан шаклла-

ниб келаётган қўғирчоқ ўйинлари, дорбозлик ва бошқа ҳалқ томошалиридан лавҳалар акс эттирилган бадиий

асарларига кенг ўрин берилган.

Кўргазмада турли тарихий даврларга оид қўғирчоқлар ва бошқа саҳна безаклари


билин ҳам танишиш мумкин.

Кўргазма 18 январгача давом этади.

(ЎЗА).

Митти ҳангомалар

УХЛАТАДИГАН «ДОРИ»



Ким нима деса десину, аммо бизнинг дўхтириларимиз орасида ҳам ўша мақтанчоқ чет элликлар олдига похол тўшаб кетадиган устамонлар бор. Ишонмасангиз, мана бу воқеага қулоқ солинг.

Бир кишининг ахволи оғирлашиб касалхонага тушди. Уни операцияга ётқиздилар. Жарроҳлар ювиниб-чайиниб таҳт бўлишди. Энди беморга наркоз бериш керак. Бироқ, аксига олиб, наркозчи дўхтири келавермади.

Шу пайт эшиқда Шоймардон деган шумхаёл, ҳазилкаш дўхтири кўринди. У жарроҳларнинг бир нарсадан дилгир бўлиб турганини сезиб ичкари ўтди. Икки оғиз гапдан кейин масалага тушунди. Секин беморнинг тепасига борди, энгашиб унинг қулогига шивирлади:

— Ёриев, сизни бир йўла учта катта дўхтири операция қилмоқчи. Ўзингиз тушунасиз, уларнинг ҳар бирини хурсанд қилиш керак. Сигирбузок, дегандай, бордир уйда? Сотасиз-да, тоға? Жонингиз омон бўлса, мол топилади.

Бемор қўзларини пирпиратди, бир нима демокчи бўлиб тамшанди ва ... ҳушидан кетди. Шоймардон касбдошларига ўририлди:

— Ана, текин наркоз! Бир соат ўзига келмай-

ди. Бемалол кесаверинглар.

Ёриевнинг касали қўричак экан, ярим соатга қолмай бажо қилишди. Бемор қўзини очгандан тепасида Шоймардон илжайиб турарди:

— Ҳазиллашдик, тоға, хафа бўлмайсиз. Бир сўмингиз керак эмас. Сигир-бузогингиз ўзингизга буюрсин. Отдай бўлиб кетинг.

ҲУШИНИ ЙИФИБ ОЛДИ

Янги чиқсан бойлардан бири шоҳкӯчада «Мерседес»ини учирив кетаётган эди. Шу пайт ён кўчадан кўхнароқ бир «Волга» чиқди-ю, «Мерседес»нинг йўлини кесиб ўтди. Бу бойвачага алам қилди. «Вой, ҳумпар-ей, ҳали сиз бизнинг олдимизга тушадиган бўлдингизми?» деб уни кувинг кетди. Ҳаш-паш дегунча етиб олди. Машинасини «Волга»нинг тумшуғига тираб қўйди. Қўлига катта тош олиб, «Гўйдаган машина»нинг ойнасини ура кетди. «Волга» пачақ бўлди. Бойвачча нафас ростлаб ичкарига мўралади. Қараса, кимсан туман прокурорининг ўзи ўтирибди! Бойваччанинг миясига қон урди. Дарров ҳушини йиғиб олиб, таъзим қилди:

— Ассалому алайкум, ҳўжайин... Янги йиллари муборак бўлсин! Деразангизни тақиллатаман, эшитмайди -



лар. Ўзларига атаб қўйган арзимаган нарсамиз бор эди, қачон олиб борсак экан, деб сўрамоқчидик...

Саъдула СИЁЕВ.



ДАРАХТЛАР ГАПИРАДИМИ?

АҚШдаги Калифорния университети олимлари дарахтлар ҳам гапиради, де-йишмокода.

Курғокчилик вақтида айrim дарахтлар то-монидан чиқадиган ультратовуш тебранишларини «гапириш» деб тушунилса, шундай холосага келиш мумкин. Дендролог олимлар ниҳоятда замонавий мосламалар ёрдамида ўрмонлар «сўзини қайд эта олдилар. Намлиқ етишмайтган ўсимлик бамисоли «сув» деб ҳайқиради. Буни пўстлоқхўр қўнгизлар сезиб колади. Ҳашаротлар дарахтларнинг ультратовуш «шикотари»га қараб, уларнинг қайси бирин курғокчиликдан кўпроқ холизланганини аниқлади.

Энтомолог олимлар бу ўзига хослиқдан ўрмонлар зааркундаларига карши курашда фойдаланиши мумкинлигини таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, дарахтлар «гаплашадиган» товуш тебранишларини сунъий ҳосил килиш пўстлоқхўр қўнгизлар учун қалқонга айланади.

уришиб ўрганиб қолган-да!

— Ойижон, юрадиган йигитим: «Агар менга турмушга чиқмасангиз, ўзимни газ қувурига осиб қўяман», дёяпти!

— Сира кўркма, қизим, қишлоғимизга газ келишига ҳали ўнковун пишиғи бор.

Кичкинтойлар мамнун

Янги йил арафасида пойтахтимиздаги барча меҳрибонлик уйлари, маҳсус мактаб-интернатларнинг тиббий қўмакка муҳтож ўқувчилари учун қизиқарли томошалар ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" ҳайрия жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими томонидан ташкил этилган бу тадбирда болалар учун байрам дастурхони ёзилиб, турли совғалар – кийим-кечак, ўкув куроллари,

китоблар топширилаётir.

Республика Қўғирчоқ театри ҳамда ёш томошабинлар театри, ёш эстрада юлдузлари иштирокидаги мусикий шоу-дастур байрамга алоҳида шавқ-завқ баҳш этди.

ЎЗА мухбири.

Навбатда турган аёл сумка қўтарган харидорга бақираётган сотовчини кўрсатиб, сўради:

— Анови сотовчи жуда сурбет эканми, онаси тенги хотинг бақирияти-я!

— Сотовчи — ўша кампирнинг келини, айланай, уйда

кулганга нима етсин!

Тошкент вилояти ҳокимлиги хузуридаги Матбуот ва ахборот бошкармасида 03-001 раками билан рўйхатта олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компъютер марказида терниди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдор.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
шилар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шахри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.